

БАДИЙ ТАРЖИМАДА ЎХШАТИШ (ПРЕМЧАНДНИНГ “СЕВГИ ИНЪОМИ” РОМАНИ МИСОЛИДА)

ХОДЖАЕВА НИЛУФАР

Таянч докторант, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада бадий таржимада берилган ўхшатишларнинг ҳиндий тилидан ўзбекчага ўгириш мураккабликлари ва ўзига хосликлари ёритилади. Аслият ва таржима асарида берилган ўхшатишлар грамматик, семантик ва лексик-стилистик хусусиятларига кўра таҳлил қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: ўхшатиш, лексик-стилистик хусусият, Премчанд, ҳинд адабиёти, аслият, таржима асар, сўзма-сўз таржима, лексик-грамматик воситалар.

Аннотация. В данной статье освещаются сложности и своеобразие перевода сравнений с хинди на узбекский язык на материале художественного текста. Текст оригинала и перевода анализируется по грамматическим, семантическим, лексико-стилистическим особенностям.

Опорные слова и выражения: сравнение, лексико-стилистические особенности, Премчанд, литература хинди, оригинал, текст перевода, дословный перевод, лексико-грамматические средства.

Abstract: The paper illuminates complication and speciality of simile translation from Hindi into Uzbek in literary text. Original and translated text analyzed according to grammatical, sematic and lexico-stylistic features.

Keywords and expressions: simile, lexico-stylistic speciality, Premchand, Hindi literature, original text, translation text, word by word translation, lexico-grammatical features.

Хар бир халқ маданияти учун ўзига хос тасвирий восита бирликлари мавжудки, уларни бир тилдан иккинчисига таржима қилиш жараёнидагина икки халқ маданияти ўртасидаги ўхшаш ва фарқли қирраларни кўриш мумкин.

Ўхшатишлар ташқи дунёни билишнинг энг қадимий усулларида ҳисобланади. Ўхшатишлар муайян халқнинг илк тафаккур тарзини ва тасаввурларини тамсил этади. Уларда маълум даврда яшаган аجدодларимизнинг кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган бўлади¹. Биргина ўхшатиш воситида халқлар орасидаги тарихий, адабий, маданий муносабатлар ҳақидаги маълумотни тиклаш шароити пайдо бўлади.

Эрамиздан олдинги IV асрда тузилган Панини грамматикасидан бошлаб қадимги

ҳинд поэтик-грамматик трактатларида ўхшатишлар поэтик фигура сифатида ўрганилган².

Ҳиндий тилидан ўзбекчага ўгирилган бадий асарларда ўхшатишларнинг берилиши шу кунга қадар ўрганилмаган. Бир-бирига қардош бўлмаган ҳиндий ва ўзбек тиллари формал аспектда фарқланса-да, лексик-семантик ва стилистик жиҳатдан ўхшаш. Шунга кўра Премчанд асарларида мавжуд ўхшатишларнинг баъзилари тўғридан-тўғри ўзбек тилидаги эквивалентлари билан таржима қилинган. Ҳинд маданиятига хос айрим ўхшатишлар эса сўзма-сўз ўгирилган.

Ўз даврида Премчанд адабий аренага Янги турдаги қаҳрамон образини олиб чиқди. Унинг асарларида асосан, оддий деҳқон образи намоён бўлади. Шу сабабли уни ҳинд

¹ Усманова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспекти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошДШИ, 2015. – Б. 97.

² Невелова С. Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М.: Наука, 1979. – С. 38.



қишлоқ ҳаётини тараннум этувчи романчилик асосчиси деб ҳам аташади. Унинг асарларида аёллар, қариялар, бевалар, ишчилар, паст табақа вакиллари, фақир одамлар, мажруҳлар, шунингдек умидсиз, ожиз “кичик” одамлар дарди, машаққатли ҳаёти, орзу-умидлари, армонлари тасвирланган.

Премчанд асарларида анъанавий ҳинд образи талқин қилинади. Асарларда асосан оддий халқ ҳаётидан олинган муаммолар ёритилади. Унинг роман ва ҳикоялари кенг омма учун мўлжалланган бўлиб, оддий халқ дардини куйлайди. Шу сабабли асар тили оғзаки нутққа имкон қадар яқин, содда ва раван. Шу билан бирга адабий анъаналарга содиқ, ҳинд маданий хусусиятларини ўзида жамлаган¹.

И. Габдулхакова тадқиқотида ўхшатишларни икки турга ажратади: халқчил ва индивидуал. Халқчил ўхшатишлар умумий ҳодиса ва предметларга асосланган бўлади. Индивидуал ўхшатишлар эса муаллиф томонидан ижодий кашф этилган тасвирий восита ҳисобланади².

Премчанд асарларида барчага бирдек тушунарли бадий тасвир воситалари, халқчил ўхшатишлар қўлланилади.

Ўзбек тилида ўхшатишлар лексик ва грамматик воситалар ёрдамида акс этади. Лексик воситалар: каби, сингари, қадар, Янглиғ, бамисоли, бамисли, мисоли, мисли, монанд, худди, нақ, гўё, тенг, ўхшатмоқ, эслатмоқ, демоқ, бўлмоқ, бир, айнан, ўзи, тус, ибрат, ҳолатда, чу, андоқки, ва бошқалар кирса, грамматик воситаларга -дай/-дек/-даг/-дак/-так/-дағ/-доғ/-дайн; -дан, -дир, -намо, -симон, -она, -омуз, -ли, -ча/-ларча, -чалик, -часига кабилар хосдир³.

¹ Бросалина Е.К., Донченко С.С., Кокова и др. Очерки истории литератур Индии (X–XX вв.). – Санкт-Петербург, 2014. – С. 115–116.

² Габдулхакова И. Способы перевода художественно-образительных средств в произведениях А.Еники. автореф. дисс. к.ф.н. – Казань, 2007. <http://www.dslib.net/sravnit-jazykoved/sposoby-perevoda-hudozhestvenno-izobrazitelnyh-sredstv-v-proizvedenijah-a-eniki.html>.

³ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. филол. фан. ном... дисс. – Самарқанд, 1993. – Б. 187.

Бадий асарларни чоғиштириш натижасида ҳиндий тилида ўхшатишлар ифодасида лексик воситалар фаол экан, деган хулосага келдик. Ҳиндий тилида қўлланиладиган ўхшатишлар ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: **की भांति** – ўхшаб, каби, -дек, -дай; **की तरह** –

дек, -дай, ўхшаб; **मानो** – гўё, худди, каби, сингари; **जैसा, जैसे** – -дек, -гўё, каби, худди;

की – янглиғ, бамисоли; **कि** – мисли, **-सा** – -дек.

Ўзбек тилига таржимада ҳиндча ўхшатишларнинг ифода воситаси гоҳи лексик, гоҳи грамматик шаклда берилиши кузатилади.

Ҳиндий флексив, ўзбек тили эса агглютинатив бўлганлиги сабабли ҳиндий тилида ўхшатишларнинг ифодаси нафақат лексемаларда, балки феъл шаклларида ҳам кузатилади.

की भांति воситасида ўхшатишларнинг таржимасига доир бир қанча мисолларни кўриб ўтамиз: **आधे घंटे में दोनों चिड़ियों की भांति चहकने लगे।**⁴ – *Ярим соат ичидаёқ иккаласи қушларга ўхшаб чуғур-чуғур қила бошлади*⁵.


Ҳинд маданиятида қушлар ҳаракат, интилиш тимсоли сифатида тасвирланади⁶. Ўзбек тилшунослигида эса “қуш” – учмоқ, жуда катта тезликда ҳаракатланмоқ; енгил, вазни жуда кам, ҳеч бир оғир эмас; енгил, мулойим, ёқимли ҳаракат ҳақида; енгил, эркин, енгил тортмоқ, енгил сезмоқ⁷ каби маъноларда қўлланилади. Юқорида келтирилган мисолда эса “болаларнинг кўп гапириши” қушларнинг чуғур-чуғурига ўхшатиш.

⁴ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 12.

⁵ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 41.

⁶ Невелова С. Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М.: Наука, 1979. – С. 106.

⁷ Махмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 305–306.



विन्ध्याचल पर्वत मध्यरात्रि के निविड़
अन्धकार में काले देव की भांति खड़ा था।⁴ –

қушларга ўхшаб, पवन की भांति – шамол
сингари, काले देव की भांति – қора дев сингари.

अब तो प्रताप तोते की भांति चहकने लगा- स्कूल इतना बड़ा है कि नगर भर के लोग उसमें बैठ जायें। दीवारें इतनी ऊंची हैं, जैसे ताड़।¹⁰ -

“Тўти” – такрорламоқ, қайтармоқ, сайрамоқ, бир гапни ҳадеб айтавермоқ. Яна бир маъноси “ширин тилли, чиройли. Аёл ҳақида”¹². Ҳинд мифологиясида кушлар образи алоҳида ўрин тутати. Сингал манбаларида куш образлари ичида биринчилардан “тўти” ва “майна” тимсоллари учрайди. “The Mahavamsa or the Great Chronicle of Ceylon” асарида ёзилишича, тўти ошхонада ёрдамчи вазифасида бўлган. Сингалларда “тўти” 108 ижобий рамзлардан бири ҳисобланади¹³.

¹³ Краснодeмбская Н. Г. Птица в обыденном и сакральном пространстве в культуре сингалов (Шри Ланка) <https://webshus.ru/9344>.



кейин Сувоманинг уйи қуши учиб кетган қафасдай бўм-бўш бўлиб қолди¹.

“Қафас – тор. Асосан, хона, уй-жой кабиларнинг хажми ҳақида”².

स्कूल जाता तो इस पेकर एक ओर से निकल जाता, मानो आगे कोई बाघ बैठा हुआ है, या जैसे महाजन से कोई ऋणी मनुष्य आखें बचाकर निकल जाता है।³ – Мактабга борса, худди йўлида бир йўлбарс ётгандай бир четдан аста, бўлмаса қарзи бор одамдай судхўрнинг кўзини шамғалат қилиб тескари ўтиб кетарди. Виржаннинг эса соясидан саккиз чақирим қочарди⁴.

Ҳиндча **मानो** маъно жихатдан ўзбек тилидаги “-дай” қўшимчасига тўғри келса-да, гапда жойлашиш ўрнига кўра “бамисоли”, “бамисли”, “мисоли”, “мисли”, “худди”, “гўё” лексемаларига ҳам стилистик, ҳам семантик жихатдан мос. Ҳиндий тилида **मानो** “бамисоли”, “бамисли”, “мисоли”, “мисли”, “худди”, “гўё” лексик воситалари сингари ўхшатишдан олдин қўлланилади.

Ҳиндча **जैसा** – бирлиги жинс ва сонда мослашади. Гапда жойлашишига кўра ўхшатишдан аввал қўлланса, ўзбек тилидаги “бамисоли”, “бамисли”, “мисоли”, “мисли”, “худди”, “гўё” лексик воситаларга тўғри келади. Ўхшатишдан сўнг қўлланса, “каби”, “сингари” лексик воситалар, “-дай/-дек/-даг/-дак/-так/-дағ/-доғ/-дайин” грамматик воситаларга тенг келиши мумкин.

सुशीला की आँखें वन्द थीं, पर मुखमण्डल
एसा विकसित था, जैसा प्राभतकाल का

¹ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 73.

² Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 291.

³ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 33.

⁴ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 58.

कमल।⁵ – Сушиланинг кўзлари юмук эди, бироқ чехраси **тонгги нилуфардай** ял-ял ёниб турарди⁶.

अब तो प्रताप तोते की भांति चहकने लगा-स्कूल इतना बड़ा है कि नगर भर के लोग उसमें बैठ जायें। दीवारें इतनी ऊंची हैं, जैसे ताड़।⁷ – Энди **Пратап тўтидай сайраб кетди**: **Мактаб шунақанги каттаки, бутун шаҳар сигади. Деворлари пальма дарахтидай баланд-баланд**⁸.

Мисол келтирилган жумлаларда **जैसा** – “-дай”, яъни **जैसा प्राभतकाल का कमल** – **тонгги нилуфардай; जैसे ताड़** – **пальма дарахтидай** шаклида ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур ҳолатда **जैसा** бирлиги ўхшатишдан аввал келган, ҳам стилистик, ҳам семантик эквивалентликка эришиш мақсадида “бамисоли”, “бамисли”, “мисоли”, “мисли”, “худди”, “гўё” лексик воситалари қўлланилиши ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ҳиндий тилидаги **-सी** юкламаси кичрайтириш маъносини англатади. Ўхшатишдан кейин қўлланилганда “-дек”, “-дай” грамматик воситаси билан ифодалангани кузатилади. Масалан: अभी स्नान करके आई थी, इसलिए नागिन-सी लट कंधों पर लहरा रही थी⁹ – **Ҳозиргина ювиниб чиққанидан сочлари илондек елкаси узра тўлганиб турарди**¹⁰.

⁵ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 36.

⁶ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 61.

⁷ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 13.

⁸ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 41.

⁹ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 28.

¹⁰ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 54.

नागिन-सी – илондек образли ўхшатиши тўғридан-тўғри таржима қилинган. Қадимги хинд эпослари тадқиқида “илон” билан боғлиқ ўхшатишлар “хавф”, “ғазаб”, “бахтсизлик” маъносини англатиб келади.... Кўпинча жангчилар камонидан отилган ўқ “илонга” ўхшатилади. Нафақат шаклий, балки чуқур маъноли, “ўқ” илоннинг захридек ўлимга олиб келади, деган маънода илонга қиёсланади¹. Ўзбек тилшунослигида эса “илон” ўхшатишининг қўлланишига кўра етти хил семантик варианты мавжуд: 1. Чақмоқ, захар сочмоқ; 2. Совуқ, ўта ёқимсиз; 3. Тўлғанмоқ, чайқалмоқ, изтиробдан ўзини ҳар ёнга урмоқ, руҳан қийналмоқ, безовталанмоқ; 4. Ўралмоқ, судралмоқ; 5. Буралмоқ, билангламоқ; 6. Вишил-ламоқ; кўрқинчли овоз чиқармоқ, кўпол оҳангда гапирмоқ, ваҳшат солмоқ; 7. Аврамоқ; турли хийла-найранглар билан билан алдамоқ, ўз йўлига юргазмоқ². Мазкур мисолда келтирилган ўхшатишда эса юқорида келтирилган салбий маъно мавжуд эмас.

प्रताप संकेत समझ गया। हा शोक! मेरी तनिक-सी चूक ने यह प्रलय कर दिया।³ – *Пратап шаъмани тушунди. Эҳ, хом сут эмган банда! Синчалакдай хатоим нималар қилиб қўймади!*⁴.

तनिक-सी – синчалакдай ўхшатиши ўзбек тилида “кичик” маъносини беради. Аслиятдаги “озгина” сўзини таржимон “синчалакдай” деб ўхшатиш воситасида таржима қилади. Ўзбек тилида “оз миқдор”ни англатувчи ўхшатишлар талайгина. Масалан, зи-

ғирдек, зиғирча, заррадай, тирноқдай, кафтдай ва ҳоказо.

ऐसा प्रतीत होता था कि दोनों भाई-बहिन हैं।⁵ – *Иккаласи худди ака-сингилга ўхшарди*⁶.

Ҳиндий тилидан таржима қилинган асар таснифида ўхшатишларни қўлланишига кўра таржимон фаоллиги кузатилади. Бироқ бу ҳолат ёзувчи услубининг бузилишига олиб келади. Маълумки, Премчанд асарлари тили содда ва кенг омма, содда халқ ўқиши учун мўлжалланган. Асарнинг ўзбекча таржимасида эса бадий тасвирий воситаларнинг фаол қўлланилиши кузатилади. Масалан, жониворларнинг номи билан боғлиқ ўхшатишлардан бирига тўхталамиз. **एक दिन कोई पाषाण-हृदय माता अपने बच्चे को मार रही थी।**⁷

– *Бир кун тошбағир бир она ўз боласини бўрсиқни боласидай дўппослаб турган эди*⁸. Аслиятда **бўрсиқ боласидай** бирикмаси мавжуд эмас, таржимон тасвирий ифодани таъсирчан қилиш мақсадида ушбу бирикмани қўшган. Кўп ўринларда ўзбек тилига хос “мусичадай”, “шолғомдай” ва бошқа бир қанча ўхшатишлар қўлланилади.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида ўхшатишларнинг берилиши лексик ва грамматик воситалар ёрдамида амалга оширилган. Ўхшатишларнинг маъно қирралари ҳам кўп ҳолатларда бир-бирига мос келади. Икки халқ маданияти лисоний манзарасида ўхшатишларнинг ўрни беқиёс ва уларнинг пайдо бўлиши узоқ тарихга бориб тақалади. Ўхшатишларнинг формал хусусияти фарқланса-да, маъно жиҳатдан ҳар иккала тилда ҳам уларнинг ўрнини қоплаш учун муқобил вариантлар доим мавжуд.

¹ Габдулхакова И. Способы перевода художественно-изобразительных средств в произведениях А. Еники. автореф. дисс. к.ф.н. – Казань, 2007. – С. 104.

² Махмудов Н., Худойбергенова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 92–94.

³ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 61.

⁴ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 15.

⁵ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 12.

⁶ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 40.

⁷ Premchand. Vardaan. Naii Dillii: Bhaartiyy granth niketan, 2011. – S. 7.

⁸ Премчанд. Севги инъоми. (тарж. А.Файзуллаев). // Жаҳон адабиёти, №2, 2009. – Б. 36.